

НАМАНГАН ЗАМИНИ ЕТИШТИРГАН УЛУҒ ҚАҲРАМОН.

Наманган вилоят тарихи ва давлат музейи илмий ходими.

Муҳаммадиев М

Тинч осмон ва эркин ҳаёт — айнан
уларнинг қурбонликлари натижасидир,
шунинг учун бу хотирани сақлаш,
ёшларимизга ўргатиш — муҳим вазифадир.

Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Президенти

Аннотация

Ушбу мақолада Наманган замини етиштирган улуғ қаҳрамонлардан бири — Совет Иттифоқи Қаҳрамони Набижон Мингбоевнинг ҳаёти ва жанг йўли ёритилган. Мақолада қаҳрамоннинг ёшлик йиллари, ҳарбий тайёргарлик даври, Ленинград ва Карелия фронтларида кўрсатган жасорати, оғир жанглардаги қаҳрамонлик ҳаракатлари батафсил тасвирланган. Асарда Набижон Мингбоевнинг ватанпарварлик руҳи, халқлар дўстлигига бўлган садоқати, жасорат ва матонати ёш авлод учун ибрат сифатида кўрсатилган. Мақола орқали улуғ қаҳрамонлар хотирасини асраш, уларнинг ҳаёт йўлини ёшлар онгига сингдиришнинг муҳимлиги таъкидланади. Набижон Мингбоев-1918 йилда Наманган шаҳрида тўғилган.

Мингбой сувоқчининг тўнғич ўғли Набижонга ҳукуматнинг Совет Иттифоқи Қаҳрамони деган унвон берилган кунларда Наманганликлар ўз ҳамшаҳарларини мардлигидан фахрланиб қувондилар.

Набижонни таниган ва билган кишилар ҳам қувондилар, ҳам ҳайрон бўлдилар. Чунки Набижон жуда содда ва камсухан, шунингдек ниҳоят ювош йигит эди. Шундай йигитни тиш — тирноғи билан қуролланган гитлерчиларга қарши курашда кўрсатган афсонавий қаҳрамонлиги ҳаммани ҳайратда қолдирган эди.



Набижон Мингбоев. Фото сурат Наманган вилояти тарихи ва маданияти давлат музейи ” Хотира ва қадрлаш ” залидан жой олган.

Армия сафига кетган Набижон Мингбоев 1942 йилнинг ёз ва куз фаслларида кичик командирлар тайёрлаш курсида ўқиди. Тажрибали командирлардан таълим олди. Улардан урушда кимки дадил, ботир, жасур ва моҳир бўлса, ҳарбий малакани яхши эгаллаган бўлса, ўша киши ғолиб чиқишини, ботирлик ва қаҳрамонликка фақат қийинчиликларни енгиш орқали эришиш мумкинлигини ўрганди. Набижонда юқоридаги хислатларга эришиш орзуси уйғонди. У ўқиш ва машқ давларида доимо аълочи жангчилар сафида бўлиб, курсни юқори кўрсаткичлар билан тамомлади. Жанговар ва сиёсий тайёргарликда аълочи бўлган Набижонга кичик сержант унвони берилди. Набижон курсда ўқиб юрган вақтларда ҳурматли бобосига юборган мактубида бундай деб ёзган эди: “Жанг майдонларига кириш учун бизлар ўзимизни ҳозир таълим далаларида тайёрламоқдамиз. Командирлар қонхўр душманни енгиш учун ҳеч қандай қийинчиликлардан, тўсиқлардан, хавф-хатардан қўрқмасликка ўргатмоқдалар. Тиришиб шуғулланыпман, командир ўргатган барча нарсаларни ёдлаб оляпман. Кичик сержант Ковалёв менинг бошлиғим, жуда меҳрибон йигит. Унинг ёрдами билан мен шахсий қуролимнинг барча қисмларини, мўлжалга олиш усулларини ўрганиб олдим. Лекин солдат учун бу ҳали оз. Бошқа қуролларни, яъни

автомат ва пулемётни ҳам кунт билан ўрганмоқдаман. Ҳозир мен шу қуроллардан қандай қилиб отишни яхши биламан. Қанчалик яхши отишимни жанг майдонига борганимда фашист босқинчиларига кўрсатиб қўяман.” Набижон Мингбоев 1942 йилда Ленинград fronti 21-армиясининг 381-ўқчи дивизияси 1260-ўқчи полки бўлинма командири бўлиб хизмат қилган. Қисм жангчилари қуршовда қолган Ленинградни озод қилиш учун зўр тайёргарлик кўришарди. Улар ҳужумга ўтиш тўғрисидаги буйруқни сабрсизлик билан кутардилар.



google.com.фото сурат

Взводдаги жангчилар турли миллат вакиллари бўлиб, бир иноқ оилага ўхшар эди. Олмаоталик Маминов, Хўжандлик Расулов, Чустлик Раҳимов , Орёллик Миша Кондратьев ва бошқалар Набижон каби ҳарбий қисмнинг фахри бўлиб қолган эдилар.Чунки, улар ўз маҳоратлари ва жасурликлари билан ҳам жангларда бошқаларга намуна бўлган эдилар

Кечки машғулотдан қайтган Мингбоев бобосига хат ёзар экан, ўзбек халқининг фронтдаги фарзандларига ёзган хатидаги қуйидаги сўзларни эслади:

“...Бир қарра ўтмишни эсланг, қадимги замонларда ўзбек халқи ичидан чиққан паҳлавонлар, эрк ошиғи бўлган ботирлар озмунча бўлмаган.Аммо улар енголмади

ва армонда кетди.Бирлик ғалабанинг гаровидир.Кимнинг юрагида халқлар дўстлиги, халқлар бирлигининг меҳри бўлса, ундай юракка душман ўқи ботмайди. Халқлар дўстлигининг ишқи йигитларимизнинг кўксини кўриқловчи қалқондир”

Бир ярим йил давомида душманнинг қутуриб қилган барча хужумларини мардона туриб қайтарган Ленинград ва Волхов фронтларининг кўшинлари 1943 йилнинг 12 январь куни икки томондан - Нева дарёсининг ўнг соҳилидан ва Ладога кўлининг жанубий райони томондан хужумга ўтдилар.Шиддат билан қилинган жанг натижасида душманнинг кучли мудофааси ёриб ўтилди ва ҳар икки фронт кўшинлари 1943 йилнинг 18 январ куни бир- бирлари билан қўшилдилар,Ленинград кўршовдан халос бўлди.



google.com.фото сурат

Мингбоев қисмининг шонли гвардиячилари ҳам кўршовни ёриб ўтиш учун бўлган даҳшатли жангларда маҳорат кўрсатди.Набижон кумондонлик томонидан “Жасурлиги учун медали “ билан тақдирланди.

...1944 йилнинг бағорида Мингбоев хизмат қилган қисм Ленинград областини немис – фашист босқинчиларидан озод қилгандан сўнг, Карелия томон, қалин ўрмонлар, кўллар ва ботқоқлар оша жанг билан илгарилаб борар эди.

Карелияга жойлашиб олган гитлерчилар кўшинга қарши жон – жаҳди билан қаршилиқ қилар эди. Душман кўпгина майдонларни миналаштириб ташлаган, тиканли симлар билан ўраб юборган, Петрозаводскка борадиган йўл ва тепаликларга дот ва дзотлар қуриб ташлаган эди.

Бизникилар мина майдонларидан хавф – хатарсиз ўтиб, бир тепаликка яқинлашиб борганда, душман пулемётидан дўлдай ёғилган ўт жангчиларимизни тўхтатиб қўйди. Қисм ўрмон ичида қулай марра эгаллаб, душман таянч пунктини тор – мор қилишга ҳозирлик кўра бошлади.

Қисм командири кечаси штурмчилар взводининг командири Шнахов ва Мингбоевни ўз ҳузурига чақириб, уларга тонготар пайтда тепаликдаги душман таянч пунктига штурм қилиш ва жангчиларга йўл очиш ҳақида буйруқ берди.

Взвод таянч душман пунктига штурм қилишга пўхта тайёргарлик кўриб, тонг ёришишини кутар эди.

Белгиланган соат ҳам келди. Гвардиячи штурмчилар йўлга тушдилар. Улар ўрмон ичидан чиқиб ботқоқликка дуч келдилар. Ботқоқдан айланиб ўтишнинг ҳеч иложи йўқ эди. Азамат гвардиячилар душман ўқи остида ботқоқликдан не – не машаққатлар билан кечиб ўтиб, мина кўмилган майдонга дуч келдилар. Улар разведкачилик, манёврлик, сапёрлик ҳунарларини ҳам яхши билганликлари учун мина майдонидан ҳам жуда эҳтиётлик билан ўтиб олдилар ва тепаликка яқинлашганларида бир неча қатор қилиб тортилган симларга дуч келдилар. Жангчиларнинг яқинлашганини сезган гитлерчилар миномёт ва тўплардан сурункасига ўқ ота бошладилар. Душман ўқи биринчи взвод командирини сафдан чиқарди.

Мингбоев взвод командири учун қасос олиш мақсадида шошилганча ёнидан икки гранатани олиб, сим тўсиқларига қараб отди. Симнинг пастки қатори узилиб кетди, йўл очилди. Шу пайт осмонда икки совет самолёти пайдо бўлди ва душман

томонга учиб кетди. Самолётнинг бомба ташлашидан кўрққан душманлар хандақларга яширинишди.

Набижон фурсатдан фойдаланиб, ерда бир – бирига чувалашиб ётган сим девор устига шинелини ташлади ва қорни билан ётдида , бошини сал кўтарган ҳолда орқасига ўгирилиб буйруқ берди:

- Взвод , устимдан ўтиб олға юр!

Бўлинмада ўн саккиз аскар қолган эди.Ҳаммаси командирнинг елкасига оёқ кўйиб тезликда тўсиқдан ўтиб олди.Шонли гвардиячилар “Ура” садолари остида тепаликка граната иргита бошладилар. Мингбоев билан тожик йигити Расулов дотга бирин – кетин олти граната улоқтириб , уни вайрон қилдилар.Дот ичидан қочиб чиққан бир неча фашист қаршилиқ кўрсатмоқчи бўлган эди, Мингбоев билан Расулов уларнинг масаласини ҳал қилиб қўйди.

Гвадиячи штурм чилар душман таянч пунктига граната улоқтириб кириб бораётганда ёрдамга етиб келган рота жангчиларининг “Ура” овозлари эшитилди.Тепаликка чиқиб олган Мингбоев сунгги гранатани иргитаётганида чап оёғидан ярадор бўлди.

У ерда ўтириб қолишига қарамай “Олға” деб қичкирар эди.Душманнинг биринчи траншеясига қуюндай учиб тўшган гвардиячи штурмчилар фашистларнинг кўпини кириб, ўн бештасини асир олиб чиқдилар.

Мингбоевга дастлабки тиббий ёрдам кўрсатилаётган пайтда жангчилар хужум қилиб келар,тепалик устида байроқ ҳилпираб турар эди.

1944 йилнинг 24 мартада штурмчи гуруҳнинг командири сержант Набижон Мингбоевга Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони беришга фармон чиқарилди.

Мингбоев госпиталдан даволаниб чиққандан сўнг Болтиқ бўйларидаги жанглarda қатнашди. Галаба кунини Болтиқ денгизи бўйларида кутиб олди.

Улуғ ватан уруши тамом бўлгандан сўнг Набижон Мингбоев тўғилиб ўсган шаҳри Намаганга келди.Дастлаб “Намуна” артелида раис бўлди.Доимо яратувчанлик ва ташкилотчилик фаолияти билан халқнинг хизматида

бўлди. Ёшларни ватанпарварлик рўҳида тарбиялашдаги иштироки ҳам таҳсинга лойиқдир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёев.

Тинчлик ва хотира — халқ маънавияти асоси. — Тошкент, 2020.

2. Наманган вилояти тарихи ва маданияти давлат музейи материаллари. “Хотира ва кадрлаш” зали экспозициялари. — Наманган.

3. Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. Улуғ Ватан уруши қаҳрамонлари ҳақида маълумотлар. — Тошкент, 2019.